

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

М.Ҳайдаров Ўзбекистон ССРдаги ижтимоий муаммолар: ишчилар норозилигининг сабаблари ва моҳияти.....	101
Т.Ахмедов Фуқаролар фаоллигини оширишда телевидениенинг ўрни.....	106
Ғ.Раҳмонов Мустақиллик йиллари Ўзбекистон сув ҳўжалиги тизимида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг натижалари.....	110
С.Ахмедов Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва Мажмаи баҳрайн” асари темурийлар давридаги маданий-маърифий жараёнлар тавсифи бўйича қимматли манба сифатида.....	115
Р.Расулова Туркистонга татар “сафарбарлик”лари хусусида	121

АДАБИЁТШУНОСЛИК

А.Сабирдинов, Д.Муратова Ўзбек-корейс халқ оғзаки ижодида оила ва оилавий қадриятлар масаласи	126
Э.Жабборов Ўзбек миллий адабиётида маърифатпарварлик қарашларнинг такомиллашуви.....	131
Б. Абдураҳмонова “Қутадғу билиг” асарининг вазн хусусиятларини ўргатиш.....	138

ТИЛШУНОСЛИК

Ғ.Хошимов, Н.Комилова Турли тизимли тилларда “Гендер” концепти ва уни воқелантирувчи воситалар майдонининг қиёсий тадқиқи	144
Н. Умарова Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида “Олтин” концептининг фрейм структураси.....	149
Г.Розиқова “Девону луғотит турк”да сўз маъносининг метонимия асосида кўчиши	155
А.Базарбаева Инглиз тили дарсликларида машқлар тақдимотининг назарий асослари	160
Д.Рахматуллаева Шарқ мутафаккирларининг ғоялари ва “Илм-маърифат” семемали бирликлар.....	164
Б.Баҳриддинова Замонавий ўқув луғатларининг таркибий тузилмаси хусусида.....	167
Н.Суярова Оламнинг лисоний тасвири ва “Белги” денотатив семали метафораларнинг шаклланиши	172
Б.Сулаймонов «Теорема» романининг лексикографик тадқиқи.....	176

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Ф.Тошпўлатова Чет тилини ўрганиш учун ўқув материалларини танлаш ва ишлаб чиқиш тамойиллари	180
Г.Саидова Бошланғич синфларда инновацион технологияларни қўллашнинг шакл ва воситалари	184

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Л.В.Гормонов, Б.З.Зарипов, А.А.Грудков, В.А.Каримов Физиологик шароитларда каламушларнинг ингичка ичагида озуқа	
---	--

УДК: 8-1/-9

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АДАБИЁТИДА МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ҚАРАШЛАРНИНГ
ТАКОМИЛЛАШУВИСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОСВЕТИТЕЛЬСКИХ ВЗГЛЯДОВ В УЗБЕКСКОЙ
НАЦИОНАЛЬНОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

IMPROVEMENT OF ENLIGHTENMENT VIEWS IN UZBEK NATIONAL LITERATURE

Э.Жабборов¹¹Э.Жабборов

Термиз давлат университети, ўқитувчи.

Аннотация

Мақолада ўзбек маърифатпарвар ижодкорларнинг кўзлаган мақсад ва режалари, мумтоз анъаналарни ичдан янгилашга ҳаракат қилишлари ёритилган. Ғарбий Европа маърифатчилилик даври ҳамда ўзбек жадидчи маърифатпарварлари адабиётидаги ғоявий ва маърифий ўсиш жараёни, адабий тур ва жанрлар тузимининг такомиллашуви таҳлил этилган.

Аннотация

В статье освещены цели и задачи узбекских просветителей, их усилия, направленные на внутреннее обновление классических традиций. Проанализированы процессы идейного и просветительского роста в период Западноевропейского просветительства и в литературе узбекских просветителей-джадидов, а также совершенствования видов и жанров литературы.

Annotation

The aim and tasks of the Uzbek educators, their attempts to renew the classical traditions are enlightened. The process of ideological and educational development in the literature of the Western European Enlightenment and in the literature of Uzbek Jadid educators, improvement of the system of literary types and genres are analyzed.

Таянч сўз ва иборалар: маърифий қарашлар, бадиий адабиёт жанрлари, маърифатчилик адабиёти вакиллари, ижтимоий воқелик инъикоси, туркий маънавий мерос, Ғарбий Европа маърифатчилиги, Шарқ адабиёти дидактизми.

Ключевые слова и выражения: просветительские взгляды, жанры художественной литературы, представители просветительской литературы, отражение социальных реалий, тюркское культурное наследие, просветительство Западной Европы, дидактизм литературы Востока.

Key words and expressions: views of educators, belles-lettres genre, representatives of the literature of enlightenment, reflection of social reality, Turkish spiritual heritage, Western European spiritualism, Didacticism of oriental literature.

Ўзбек халқи кўп асрлик тарихи ва бой маданияти билан жаҳон адабиёти хазинасига ўз улушини қўшиб келган. Хусусан, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида тараққий этган маърифатчилик адабиёти ҳамда унинг вакиллари тақдири ижтимоий воқелик билан чамбарчас боғлиқ.

Бинобарин, маърифатпарвар ижодкорларнинг кўзлаган мақсади ва тузган режаси туркий маънавий меросни, шунингдек, миллий маънода чуқур ўрганиш уларни янги шароитда давом эттириш, миллат орасида кенг ёйиш, ривожлантириш, ҳурфикрлик ҳамда озод ва обод ватан учун курашишдан иборат эди. Шунинг учун ҳам маърифатчилик адабиёти намояндаларининг ижодида миллатни уйғотиш, уни истиқболга олиб чиқиш баробарида миллий адабиётда ривож топган

ишқ, маърифат, ҳақиқат каби ғоялари янада кенг ифодаланди.

Улар кўҳна адабиётнинг жанр хусусиятларини ўз ижодларига сингдириб, мумтоз анъаналарни ичдан янгилашга ҳаракат қилдилар ҳамда адабий тараққиёт жараёнининг узлуксизлигини таъминладилар.

Маърифатчилик адабиёти миллий адабиёт тарихида Юсуф Хос Ҳожибдан бошлаб, то XX асрнинг бошларигача давом этган, миллий адабиётдан кейинги янги бир даврни бошлаб берган бўлса ҳам, ундаги маърифатпарварлик ҳаракати, фалсафий-дидактик қарашлар маълум маънода миллий адабиётда вужудга келган адабий қарашлар давоми эди.

Ғарбий Европа маърифатчилик даврида бўлгани сингари, ўзбек жадидчи маърифатпарварлари адабиётида ҳам ғоявий

ва маърифий ўсиш жараёнини кузатиш мумкин. Барча жанрдаги асарлар учун бадиийликнинг фалсафий мушоҳада, публицистик ўткирлик ва дидактик йўналганлик билан омикталаниши асосий хусусиятга айланди. Албатта, ўзбек мумтоз адабиётида ҳам, умуман, Шарқ адабиётига хос панд-насихатга мойиллик азалдан мавжуд эди.

Бироқ, маърифатчилик адабиётида дидактизм бутунлай ўзгача мазмун касб этди. Европа адабиёти таъсирида мавҳум, асосан, исломий ахлоқ борасидаги панд-насихатлар ўрнига даврнинг конкрет муаммолари – сиёсат, давлат қурилиши, ижтимоий-маиший муаммоларнинг кенг доирасини ўз ичига олган дидактизм эгаллай бошлади ва, муҳими, янги адабиётдаги панд-насихат маърифийлик билан қўшилиб кетди.

Маърифатчилик адабиётининг йўналиши, мавзу ва мундарижаси, адабий тур ва жанрлар тизимининг такомиллашувига туртки бўлган омиллардан бири миллий адабий анъаналар бўлди. Ана шу анъаналар, XX аср бошлари адабиётида янгича мазмун касб этган.

XIX асрнинг охири – XX аср бошларидаги ўзбек адабиёти мумтоз анъаналарни сақлаган ҳолда ўзида янгиликлар яратиб, XX – XXI аср адабиёти учун пойдевор сифатида майдонга келди. Бу давр адабиётида мумтоз шеъриятдаги тур ва жанрлар (ғазал, рубоий, мухаммас, мусаддас, мураббаъ, маснавий, фард кабилар) билан бир қаторда саёҳат таассуротлари тасвири сифатида саёҳатнома (Муқимий, Фурқат, Надим) шеърий ҳикоя, мактубот жанрлари вужудга келди ва ривожлантирилди [1, 12].

Адабиётни жамият тараққиётига хизмат қилдириш истаги фалсафий, публицистик ва бадиий адабиёт жанрлари ўртасидаги аввал мавжуд бўлган қатъий чегараларнинг йўқолишига олиб келди. Бу, айниқса XVIII аср Ғарбий Европа адабиётида кенг тарқалган эссе жанрида яққол кўзга ташланади.

Дастлаб инглиз маърифатчилари Жозеф Аддисон ва Ричард Стил ижодида намоён бўлган ва шакл ҳамда мазмун жиҳатдан ранг-баранг эссе жанри содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ҳозиржавоблик билан ёритишга кенг имконият берди.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётни ислоҳ қилиш борасидаги изланишлар чуқур ижтимоий-сиёсий умумлашмалар қилишга ҳамда бунинг учун маиший ҳаёт ва одатларни атрофлича тасвирлаш имконини берувчи саёҳат ва йўл

хотиралари жанрининг кенг тарқалишига сабаб бўлади.

Смоллетнинг “Франция ва Италия бўйлаб саёҳат”, Карамзиннинг “Рус сайёҳи мактублари”, Радищевнинг “Петербургда Москвага саёҳат”и, Д.Дефонинг “Робинзон Крузо”, Ж.Свифтнинг “Гулливернинг саёҳатлари”, Вольтернинг “Кандид ёки оптимизм” ва яна ўнлаб бир-бирига тили, услуби, жанри жиҳатдан мутлақо ўхшамайдиган асарларини ана шу саёҳат жанрига мансуб асарлар қаторига қўйиш мумкин.

XVIII аср Ғарб маърифатчилик адабиётининг жанр жиҳатдан бойлигини эътироф этган ҳолда, айтиш жоизки, бу даврда барча жанрлар ҳам бир хилда ривожланмади. “Зерикарлисидан ташқари барча жанрлар яхшидир”, деган иборага таянган Вольтер ҳатто Вергилий, Ҳомер, Тассоларнинг кўҳна эпос намуналарига тақлидан замонавий эпосни яратишга ҳам ҳаракат қилган эди (“Генриада” поэмаси).

Шунингдек, матбуот маҳсули ўлароқ, публицистика ва очерклар ҳам бадиий ижодда ўз ўрни ва мавқеини топа бошлади. Мазкур давр ижодкорларидан Юсуф Сарёмий (1845-1912), Зиёвуддин Ҳазиний (1867-1923) тасаввуф ғояларини куйлаган сўнги шоирлар бўлди.

Тадқиқ этилаётган давр адабиётига янги руҳ, янги ғоя кириб келди. Адабиётнинг мавзу доираси кенгайди, мазмун таркиби ўзгарди, яъни бадиий адабиётда ҳажвиётнинг ўзига хос томони пайдо бўлди ва тараққий этди. Давр адиблари миллат қайғуси ва унинг муаммоларини кўтариб чиқибгина қолмай, балки унинг ечимини ҳам топдилар, яъни миллат онги ва тафаккурини ислоҳ қилиш ва шу мазмундаги асарлар ёзиш зарурлигини тушунтирдилар. Шоирларимиз халқнинг изтироб ва қайғулари, орзу-истаклари билан қадам-бақадам бордилар.

Янги давр адабиёти ижодкорларининг аксарияти зуллисонайн шоир сифатида ижод қилдилар, чунки уларнинг деярли кўпчилик қисми мадраса кўрган, араб, форс-тожик ва ҳатто баъзилари рус, бошқа хорижий тилларни ҳам яхши билганлар.

Зуллисонайнлик анъанаси изчил давом этаётган бу даврда таржимачилик мактабининг пайдо бўлиши ҳам табиий. Хоразмда Оғаҳий, Комил Хоразмий, Баённий; Тошкентда Алмоий; Самарқандда Сидқий Хондайлиқий, Сиддиқий Азизий, Васлий Самарқандий каби адиблар таржима майдонида муносиб ижод қилдилар.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Адабий-маданий ҳаракатчиликнинг бош маркази сифатида Тошкент ҳар жиҳатдан тез тараққий эта бошлади. Ижодкорлар турли жанрларда ўз иқтидорларини бадиий ижодда намоён қила олдилар. Хива, Қўқон, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида ҳам адабий ҳаракат баракали ва кўтаринки руҳда эди. Бу ҳаракат қатнашчилари ватанпарвар, миллатсевар, маърифатпарвар, тараққийпарвар зиёлилардан иборат эди.

Турли хил тўсиқларга қарамай, маърифатпарварлар ўз ижод маҳсулларини “Тараққий”, “Хуршид”, “Вақт”, “Ойна”, “Таржумон”, “Самарқанд”, “Шўро”, “Шухрат”, “Турон”, “Бухорои шариф”, “Садои Фарғона”, “Садои Туркистон” каби газета ва “Ер юзи”, “Муштум”, “Ойна”, “Машраб” журналларини ташкил қилиб, уларда ўша даврнинг муҳим ғояларини, хусусан, миллатпарварлик, ватанпарварлик, эрк ва мустақиллик ғояларини тарғиб қилдилар. Бу, айниқса, М.Бехбудий, Фитрат, Мунаввар Қори, А.Авлоний, Ҳамза каби маърифатпарварларнинг публицистик мақолалари кўпчиликлари диққат-эътиборини ўзига жалб этди.

Масалан, Фитрат ўзининг публицистик мақолаларида мустамлакачилик сиёсатини кескин фош этиб, истиқлол ғояларини дадиллик билан тарғиб қилди. У “Мухторият” мақоласида: “Эллик йилдан бери эзилдик, таҳқир этилдик, қўлимиз боғланди, тилимиз кесилди, оғзимиз қонланди, еримиз босилди, молимиз таланди, шарафимиз емирилди, номусимиз ғасб қилинди, ҳуқуқимизга тажавузлар бўлди, инсонлигимиз оёқ остига олинди, тўзимли турдик, сабр қилдик”, деб ёзган эди[2,27].

Инчунин Ғарб адабиётида бўлганидек, жадид адабиётида ҳам маърифат ва ҳуррият мавзулари давр садоси сифатида янгради. Бинобарин, меҳнаткаш оммани жаҳолатга қарши илм-билим билми бўлишга, маърифатга чақириш жадид маърифатпарвар ёзувчилари ижодининг лейтмотивини ташкил этди.

Бу хусусият Маҳмудхўжа Бехбудий (1875-1919), Мунаввар Қори Абдурашидхонов (1878-1931), Абдулла Авлоний (1878-1934), Абдурауф Фитрат (1886-1938), Ҳамза Ҳакимзода (1889-1929), Абдулла Қодирий (1894-1938), Абдулҳамид Чўлпон (1897-1938), Саид Аҳмад Ажзий (1864-1927), Сидқий Хондайлиқий (1884-1934), Васлий Самарқандий (1869-1925), Тўлаган Хўжамияров Тавалло (1882-1939), Муҳаммад

Шариф Сўфизода (1869-1937) каби шоир ва ёзувчилар ижодида яққол кўринади.

Масалан, Ҳамзанинг дастлабки маърифатпарварлик асарларида жаҳолатга қарши илм-маърифатни улуғлаш ва уни тарғиб-ташвиқ этиш асосий ўринда туради. Зотан, бу асарлардан маълум бўладики, Ҳамза шеърияти жадид адабиётининг ёрқин намунасидир. Шоирнинг “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар” мажмуасига кирган “Оқ гул”, “Қизил гул”, “Пушти гул”, “Сариқ гул”, “Яшил гул”, “Сафсар гул”, “Атиргул” деб номланган шеърий тўпламлари шундан далолат беради[3].

Маърифатпарвар жадид ёзувчилари ўзларининг маърифатчилик, миллатпарварлик ғояларини олға суришда миллий адабиётда теран томирларга эга бўлган шеъриятдан ташқари, наср, драматургия ва бадиий публицистика сингари жанрлардан ҳам кенг фойдаландилар.

Бироқ XVIII аср Ғарб адабиётида асосан наср ва драматургия жанрлари кўпроқ тараққий этди. Албатта, бу, аввало, давр руҳи ва маърифатчиларнинг интилишлари билан боғлиқ эди. Зеро, шакл ва мазмун жиҳатдан бениҳоя ранг-баранг бўлган наср ҳар қандай тор қонун-қоидалар чекловидан ҳоли бўлиб, замон ҳаётини, турли табақалар маиший турмушини кенг акс эттириш, ахлоқий дастурни илгари суриш имконини берган бўлса, театрда маърифатчилар ўз ғояларини тарғиб этиш минбарини қурганлар.

Маълумки, 1910 йилгача ўзбек адабиётида ҳозирги маънодаги драма жанрида яратилган асар йўқ эди. У XX асрнинг 10-йилларида вужудга кела бошлади. Бунда жадид ёзувчиларининг хизмати катта бўлди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли адабиётимизда 1910 йилдан то 1917 йил феврал ойигача бўлган вақт ичида “Падаркуш” (М.Бехбудий), “Заҳарли ҳаёт”, “Илм ҳидояти” (Ҳамза), “Бахтсиз кув” (А.Қодирий), “Қози ила мулла”, “Кўкнори”, “Жувонбозлик қурбони”, “Эски мактаб-янги мактаб”, “Мазлума хотин” (Ҳожи Муин Шукрулло), “Маҳрамлар” (А.Самадов), “Адвокатлик осонми”, “Пинак” (А.Авлоний), “Жувонмарг”, “Ўғай она”, “Бойвачча”, “Саодат битди”, “Хуш келдинг, хуш кетдинг” (Абдулла Бадрий), “Тўй” (Нусратилла Қудратиллаев) каби қирқтача саҳна асари юзага келган. Турли бадиий савияда ёзилган бу пьесаларнинг деярли ҳаммасида маърифат ва илмсеварлик, ахлоқ-одоб масалалари акс эттирилган [3].

Ўзбек ва татар маърифатпарварларининг Россия ва Европа шаҳарларига қилган саёҳатлари давомида улар маълум даражада Европа илм-фани, маданияти, адабиёти ва санъати жанрлари билан бевосита танишганлар.

Аммо Марказий Осиёнинг ўз жўроғий ва сиёсий ҳолатига кўра Ғарбий Европа мамлакатлари билан бевосита алоқа ўрнатиш имконияти чегараланган эди. Шунинг учун Европа илм-фани, маданияти, адабиёти жанрлари билан танишишда Ғарб маданияти билан анча илгари мулоқотга киришган Россия, Яқин ва Ўрта Шарқ минтақалари воситачи вазифасини ўтаган.

Бундан ташқари, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида Ғарб экспансияси маълум маънода мусулмон дунёсига қилинган ҳужум сифатида тушунилган. Ҳаж сафарлари давомида Марказий Осиё зиёлилари (Фурқат, Бехбудий, Ибрат, Авлоний, Ҳамза, Фитрат) Туркия, Афғонистон, араб мамлакатларида илғор зиёлиларнинг жамиятни янгилаш, мустақиллик учун кураш тажрибаларини ўрганганлар. 1910-1914 йиллар оралигида чоп этилган юздан зиёд “Саёҳатнома”ларда бошқа ўлкалар қатори мусулмон мамлакатлари, муқаддас қадамжолардаги ҳаёт ҳақида ҳикоя қилиниши бунинг ёрқин далилидир.

Хусусан, М.Бехбудий “Саёҳат хотиралари”да мусулмон ўлкаларидаги ҳаёт лавҳаларини тасвирлар экан, у ерлардаги ижтимоий-сиёсий муаммоларга, маданий ҳаётдаги ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратади, олган маълумотлар асосида амалий йўлланмалар беришга ҳаракат қилади. Немис олимаси И.Балдауф тўғри таъкидлаганидек: “Бехбудий барча мусулмон халқлари тўғрисидаги билимларини чуқурлаштиришга алоҳида бир муҳаббат билан интилади”[4, 12].

Давр фалсафий, мафкуравий қарашларининг мураккаблиги уларнинг ўзида ифода этган бадиий-эстетик қарашларнинг ҳам мураккаблигини белгилади. Маърифатчилик адабиёти услубий ва жанр ранг-баранглиги билан ажралиб туради.

Ўзбек адабиёти тарихининг бу босқичида шеърият етакчи ўринни эгаллаб келди. Бу ҳол шеъриятнинг мумтоз адабиётда етакчи бўлганлиги анъанасининг янги ўзбек адабиётида ҳам давом этиши натижасида содир бўлди. Шу вайдан ҳам XX аср ўзбек адабиётининг илк саҳифалари шеърий асарлар, кўшиқ ва термалар билан очилгани тасодифий эмас.

20-йилларда Завқий, Аваз Ўтар, Мискин, Хислат, Камий, Ҳамза Ҳакимзода, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Авлоний, Анбар Отин, Тавалло, Нозимахоним, Хуршид, М.Сўфизода, А.Мажидий, Баёний, Фақирий, Ноқис, Каттақўрғоний каби шоирлар, шеъриятда фаоллик кўрсатганлар. Улар даврнинг долзарб мавзуларида шеърлар ёзиб, эрк ва озодлик, ватанпарварлик, маърифатпарварлик, мактаб-маориф, ахлоқ-одоб ҳақида эзгу фикрларни олға сурганлар. Шу тариқа, мумтоз адабиёт анъаналаридан фойдаланган ҳолда янги ўзбек шеъриятини бошлаб берганлар. Ҳамза Ҳакимзода “Туркистон” шеърида Турғил, дардан жисмингни соғла, Туркистон Дониш ўтига бағринг доғла, Туркистон Белга ҳиммат камарин боғла, Туркистон Маърифатга етмоқни чоғла, Туркистон

дея жаҳолатга қарши илм-маърифатни тарғиб этган бўлса, Абдулла Авлоний мактаб маорифни улўглаб, илмни ҳар нарсадан устун қўяди:

Илм - бир гавҳари ноёб, йўқ ўлмас,
битмас

Илм - бир нури зиёдирки, жилоси кетмас.
Ҳамза, С.Айний, Чўлпон, Фитрат, А.Авлоний каби шоирлар ўзбек мумтоз адабиётидаги илғор анъаналар ва жаҳон поэзияси тажрибасини ижодий ўрганиш асосида минбарбоп шеърият яратдилар. Сўз минбаридан туриб, меҳнаткаш халққа янгича чақириқ, янгича шиорлар билан мурожаат этиш воситасига айланди:

Неча асрлар ухладинг ётиб,
Кумушдек танинг балчиққа ботиб,
Бир парча куйган қора нон учун
Ёшлик чоғингдан ўз кучинг сотиб
Ишчилар, уйғон, уйғон, уйғон,
Сен ишлашга етишди замон.

Усмон Носир она-Ватан ва меҳнаткаш инсон мавзуларига ҳақли равишда қайта-қайта мурожаат этади ва ҳар сафар мавзунинг янги-янги қирраларини кашф этади. У юртсевар шоир сифатида Ватан манфаатини ҳамма нарсдан устун қўяди, шунинг учун ҳам шеърларидан бирида Ватан ҳақида дил изҳорини: “Агар, даркор бўлса ҳар чоқ, чорласа Ватан, қўлёмаларимни ташлаб, шинел кияман”, тарзида ўз садоқатини билдиради. Ватанни, меҳнаткаш халқни рози қилиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир, деган фикрни образли қилиб ифодалайди.

Сен эй, сен-ўйноқи дилбар,
Зафардан изла ёрингни.
Тўлиб қайна, тошиб ўйна,

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Тирикман, куйла борингни!
Итоат эт!
Агар сендан
Ватан рози эмас бўлса,
Ёрил, чақмоққа айлан сен,
Ёрил, Майли, тамом ўлсам!... [5,20]
(“Юрак”)

Ҳозирги ўзбек насрининг шаклланиши ва ривожланишида, бир томондан, халқ оғзаки ижодиёти ва мумтоз адабиётимиздаги наср намуналарининг, иккинчи томондан эса жаҳон адабиётидаги реалистик насрнинг таъсири катта бўлди. Натижада, 20-йиллардаёқ адабиётимизда насрнинг қарийб ҳамма жанрларида хилма-хил асарлар пайдо бўлди.

20-йилларда насрнинг кичик ва ҳозиржавоб шакли – ҳикоя жанрида кўпгина асарлар ёзилди. А.Қодирий ўз ҳикояларида (“Калвак Маҳзумнинг хотира дафтарида”, “Тошпўлат тажанг нима дейди” ва ҳ.к) эскилик сарқитларини фош этди.

XX аср бошларидаги ўзбек замонавий реалистик насрнинг шаклланиши ва ҳаётдан мустақкам ўрин олишида Абдулла Қодирийдек улкан санъаткорнинг ижоди ғоят катта аҳамиятга эга бўлди. Абдулла Қодирий бу даврда кичик насрнинг хилма-хил намуналарини ёзиш билан чекланмади.

У “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён” каби йирик асарлар яратиб, ўзбек реалистик романчилигига асос солди.

Худди шу йилларда С.Айний “Бухоро жаллодлари”, “Одина”, Мўминжон Муҳаммаджон “Турмуш уринишлари” асарларини ёзиб, қиссачилигимизни бошлаб берди.

Чўлпон ношир сифатида ҳам адабиётимизда салмоқли ўрин тутди. Чўлпон асарлари тўрт жилдлигининг 2-жилдига унинг машҳур “Кеча ва кундуз” романи билан бирга турли даврларда ёзилиб чоп этилган 13 та ҳикояси киритилган.

Улар орасида 1914 йилда эълон қилинган илк ҳикоялари – “Қурбони жаҳолат” ва “Дўхтир Муҳаммадёр”дан шўро даврида босилган “Килеўпатра” (1923) гача бор [6,46].

“Қурбони жаҳолат”даги Эшмурод ўқимишли йигит, лекин атроф зимистон, ҳаммаёқда жаҳолат. Ҳатто ўз отаси уни газета ўқигани учун масҳара қилади. Мактаб, илм-фан ибрат олиш деган гапларга миллатнинг тоқати йўқ. Эшмуродга мана шу ташвишлар тинчлик бермайди... Асар охирида ҳаётдаги бузғун ҳолатлар гирдобиди қолиб, ўғирликда айбланган Эшмурод чидай олмай, ўзини отиб ўлдиради. Шу тариқа жаҳолат қурбони бўлади.

Асарга Туркистон мусибатини теран англаш ҳисси сингдирилган.

Муаллифнинг маърифатчилиги бир қадар ёруғ бўёқларда “Дўхтир Муҳаммадёр”да акс этган. Ҳикоя марказида Муҳаммадёр тақдири туради. У 15 ёшида отаси билан ҳажга бориб, бир дунё саргузаштларни бошидан кечиради. Қиморбозлар қўлида жон берган отаси Ҳожи Аҳмад васияти – инсон саодати илм-маърифатда эканлигини яхши англайди. Жамияти хайрия воситаси билан дастлаб Бокуда гимназияда, сўнг Петроград университетида, ниҳоят 7 йил Швейцарияда дорилфунуннинг тиббиёт факультетида ўқийди. Юртига қайтиб келиб, хусусий шифохона очиб, камбағалларни текин даволайди. “Ватан” номли журнални, “Хабар” деган газетани йўлга қўяди. Оддий Муҳаммадёрдан “Дўхтир ходими-миллат Муҳаммадёр”га айланади.

Петрограддаги вақтида умрлари самарсиз кечаётган мадраса талабалари турмушидан “Умрлик шогирдлар” деган роман ёзади ва рус тилига таржима қилади. Москва ва Петрограддаги туркистонлик масковчи бойлар ҳаётдан “Пойтахт меҳмонлари” номли театр китоби ёзиб, “Тилсиз, илмсиз, маданиятдан узоқ боёнларимизнинг кўча-кўйда, меҳмонхона номерларида ажнабийлар томонидан ҳақорат қилинишларини кўрсатиб беради”. Уни саҳнага қўяди, бош роль – хўжайинни ўзи ўйнаб, олқишлар олади. Муҳаммадёрнинг барча хатти-ҳаракатларини бошқариб турган куч унинг эл-юртига муҳаббатидир.

Асар қахрамони ватандошларини кўзларини очишга, замон билан баравар қадам ташлашга чақиради.

Эй ватандошларим! Қачонгача бу ғафлат? Нимага бунча хушқамассизлар? Ахир, сизлар ҳам одам-ку! Одамлардек ҳаракат қилингизлар! Кўз олдингизга келиб турғон илм ва маърифат мевасидан фойдаланмасдан нимага оғизларингизни очиб қараб турасизлар! Нимага бу ишларга киришмайсизлар? Уйқудан кўз очинглар! Уйқудан кўз очинглар!

Урининглар! Илм, маърифат ва ҳунар изланглар! Вақт етди, балки ўтди!”.

Кўринганидек, ҳикоя маърифий даражада қолган, бадиийликка кўтарилган эмас.

Ўзбек аёллари тақдирдан сўз очган “Қор қўйнида лола”, “Ойдин кечаларда”, “Нонушта”, “Гавҳарой” каби ҳикоялари асарларидан кескин ажралиб туради.

Чўлпоннинг энг машхур насрий асари, шубҳасиз, “Кеча ва кундуз” романидир.

Маърифат учун биргина мактаб кифоя қилмасди. Замон ва дунё воқеалари билан танишиб бормоқ, миллат ва ватаннинг аҳволдан, кундалик ҳаётдан огоҳ бўлмоқ керак эди. Бинобарин, миллат учун шундай ойна керак эдики, унда у ўз қабоҳатини ҳам, малоҳатини ҳам кўра олсин.

Мана шу эҳтиёж XX аср бошларида маърифатпарварлар (жадидлар) ижодида драматургияга катта эътибор қаратишга олиб келди. М.Бехбудийнинг “Падаркуш”и шу тариқа майдонга келди.

“Падаркуш” ўзбек драмачилигининг ҳамма яқдил эътироф этган биринчи намунасида. Миллий драматургия XX асрнинг 10-йилларида шу зарурият асносида пайдо бўлди ва 20-йилларидаёқ муҳим ютуқларни кўлга киритди.

Ҳамза Ҳакимзода “Бой ила хизматчи”, “Майсаранинг иши”, “Паранжи сирларидан бир лавҳа ёки яллачилар иши” сингари саҳна асарларини яратиб, ўзбек драматургиясининг ривожига катта ҳисса қўшди.

Бу давр драматургияси хазинасига Фитрат ҳам салмоқли улуш қўшган. Фитратнинг “Чин севиш”, “Ҳинд ихтилолчилари”, “Абулфайзхон”, “Шайтоннинг тангрига исёни”, “Арслон” каби драматик асарлари шу даврнинг маҳсули бўлиб, уларда халқ ва мамлакат ҳаётига тааллуқли бўлган ранг-баранг мавзулар акс эттирилган. Бу пьесаларда Фитратнинг истеъдодли драматург бўлганлиги яққол сезилади.

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Миллий фожеа” деб атаган, 3 парда 4 манзарали бу драмаса ҳажман жуда ихчам, мазмунан ниҳоятда содда ва жўн. У жаҳолат ва нодонлик, ўқимаган боланинг бузук йўлларга кириб, ўз отасини ўлдиргани ҳақида ҳикоя қилади¹. Орқа олдини ўйламаган бойнинг Тошмурод исмли ўғли бор. Ўғли ўқимаган. Бой атрофидагиларнинг гапига кирмайди, ўғлини ўқитмайди, оқибатда у кўча безориларига қўшилади. Ресторанда маишатга пули етмай, шерикларини тунда уйига бошлаб келади. Бой уйғониб, уларни сезиб қолади. Бойни ўлдириб, пулини олиб кетадилар.

Хулоса шуки, жаҳолат ва нодонлик отанинг ҳам, боланинг ҳам бошига етди. Асар бутун миллат шу аҳволга тушса-чи?! Спектакль ўз маишатига ўралиб дунёни унутган миллатдошларга ўз маърифий таъсири орқали чақмоқдай таъсир этди. Дарҳақиқат, Абдулла Қодирий ҳам бу

драмадан таъсирланиб, “Бахтсиз кув” саҳна асарини ёзади[7,4].

1915 йилда ёзилган “Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари” драмаса Ҳамзанинг бу соҳадаги биринчи қадами бўлди. Ушбу драмадан кейин у “Ўч”, “Мухторият ёки автономия” (1917), “Ким тўғри?”, “Бой ила хизматчи” (1918) каби саҳна асарларини яратди.

“Заҳарли ҳаёт...” драмаса бевосита жадид маърифатпарварлиги руҳида ёзилган бўлиб, унда ҳам “Янги саодат” миллий романидаги ғоя етакчилик қилади. “Янги саодат”да илмсизлик, жаҳолат туфайли пароканда бўлган Абдуқаҳҳор оиласини ёш Олимжон илм-маърифат орқали саодатли қилади.

Драмада эса жаҳолат, қоқоқлик, мутаассиблик илм-маърифат, тараққиёт фидойилари Маҳмудхон ва Марямхонларни фожиага олиб келади.

Ушбу 4 пардали трагедия 1915 йилда ёзилиб, 1916 йилда Тошкентда “Матбааи Ғуломия”да машхур маърифатчилардан, Ҳамзанинг яқин дўсти, савдогар бой Саидносир Миржалолов (1884-1938) ноширлигида босмадан чиққан.

Абдурауф Фитрат ўз драмалари билан ўзбек драматургияси ривожига буюк роль ўйнади. “Чин севиш” ва “Ҳинд ихтилолчилари”, “Шайтоннинг тангрига исёни”, “Арслон” каби драматик асарлари XX аср бошидаги ўзбек халқи ҳаётининг реал манзаралари эди.

Фитрат пьесаларининг асарияти ўтмиш мавзуларида ёзилган. Бироқ, уларнинг ҳаммаси ҳам замонавий руҳ билан суғорилган. Фитрат драматургиясининг маърифий-тарбиявий ва эстетик аҳамияти ҳам, аввало, ана шунда.

Фитрат саҳна асарларининг энг сараси, шубҳасиз, “Абулфайзхон” трагедиясидир. У беш пардали тарихий фожиа бўлиб, унда XVIII аср ҳаётига оид воқеалар қаламга олинган. Бухородаги ўзбек хонларининг сўнгиси Абулфайзхон давридаги тахт учун олиб борилган кескин курашлар, қирғинбарот жанглар, хиёнат-у сотқинликлар ичида бевосита иштирок этаётган одамнинг туюмлари усталик билан кўрсатилган.

Бир хон ҳайдалиб, унинг ўрнига иккинчиси келиши билан мамлакат ва халқ аҳволи ўзгармайди, чунки тахт эгалланаётганидаёқ қон тўкилади, ҳокимият қонга қурилади. Бу билан ҳокимиятнинг тахт эгаларининг аёвсиз қисматлари очиб берилади. Бундан ташқари, мамлакат ва халқ

АДАБИЁТШУНОСЛИК

ҳаётини яхшилаш учун ижтимоий тузумни тубдан ўзгартириш, мамлакатни демократия асосида бошқариш лозим, деган муҳим, адолатли ғоя асарнинг умумий руҳига сингдириб юборилган: “Халқ билан бирга бўлмаган ҳокимият, қум устига қурилган салтанатдир”, деган ғояни олға суради.

Улар Туркистон мустақиллиги учун кураш олиб борар эканлар, ўзбек адабиёти анъаналарини замонга мослашга ҳаракат қиладилар ва уни Европа адабиёти намуналари билан “бузмаслик” фикрида қатъий турадилар. Албатта, Ғарб маърифати бу каби ўзбек маърифатчиларининг фикр ва истакларидан қатъий назар, ўзбек

маданиятига тинимсиз равишда сингиб борар эди.

Бундан ташқари, кўпчилик номи зикр этилган ўзбек маърифатчилари Европа маданияти ва адабиёти билан таниш бўлган, Европада таҳсил олган эдилар ва, жумладан, Европа адабиётидан қилинган таржималар (анъанага кўра бу таржима қилинган асар муаллифлари кўрсатилмаган ва уларга ўзбек таржимонлари ўз фикр, туйғуларини сингдириб юборганлар ҳамда таржималар кўп ҳолларда аслиятдан фарқ қилган) орқали кўпинча англамаган ҳолда Европача адабиётни, унинг хусусиятларини ўзлаштирганлар.

Адабиётлар:

1. Тожибоева М. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. –Т.; “Мумтоз сўз”. 2017.
2. Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. –Т.; Маънавият. 2011.
3. “Хуррият” газетаси. –1917 йил. 5 декабр.
4. Жўраев Қ. 20-йиллар драматургияси. –Т.; “Фан” 1998.
5. Mirzayev S. XX asr o'zbek adabiyoti. Darslik. –Т.; “Yangi asr avlodi”. 2005.
6. Чўлпон А. Асарлар. IV жилдлик. II жилд. –Т.; Академнашр. 2012.
7. Самойлович А. Драматическая литература сартов. Вестник, “Имп. Об-ва вос.”, №5. Петроград. 1917.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори).